2012 йил 5 июль, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 132 (12.193)

Баҳоси эркин нархда

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ 21 O'ZBEKISTON

# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ВАТАННИ КУЙЛАШ БАХТИ

***Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови жонажон диёримизни, мустақиллигимизни, унинг бебаҳо неъматларини, тинч ва осуда ҳаётимизни тараннум этувчи юксак савияли қўшиқлар яратишга хизмат қилмоқда. Айни пайтда мазкур ижодий танлов шоир, бастакор ва хонандалар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва халқимизга яқиндан таништириш имконини бермоқда. Шу кунларда мазкур танлов Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизимларида уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

– Ҳаммамиз учун азиз ва муқаддас бўлган мустақил Ватанимизни тараннум этувчи қўшиқлар ижро этиш катта масъулият талаб этади, – дейди В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 2-курс ўқувчиси Искандар Бахтиёров. – Шу боис ушбу танловга пухта тайёргарлик кўрдим. Истиқлол йилларида қўлга киритилган улкан ютуқлар, халқимиз ҳаётидаги ўзгаришлар, биз, ёшларнинг камолоти йўлида кўрсатилаётган чексиз эътиборни тараннум этувчи бир неча қўшиқлар тайёрладим. Бундай нуфузли ижодий беллашувда иштирок этиш, Ватан ҳақида куйлаш ҳар бир санъаткор учун олий саодатдир.

Танловнинг Тошкент шаҳар босқичида 35 нафар ижрочи қатнашди. Ғолиблар ижодий беллашувнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

**(ЎзА)**

***Италиянинг Амальфи ва Равелло шаҳарларида Ўзбекистон кунлари бўлиб ўтди. Тадбир доирасида республикамизнинг сайёҳлик салоҳияти намойиши тақдим этилди.***

## ИТАЛИЯДА ЎЗБЕКТУРИЗМ НАМОЙИШИ

Презентацияларда ўзбек халқининг бой маданий ва маънавий мероси, ажойиб тарихий архитектура ёдгорликлари ҳамда табиий иқлим шароитлари ҳақида қатнашчиларга батафсил ахборотлар берилди. Тадбир иштирокчилари намойиш этилган видеолавҳалар орқали Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари бўйлаб саёҳатга чиқишди, шунингдек, юртимизнинг экотуризм, спорт ва тиббиёт соҳасидаги диққатга сазовор янгиликлар билан ҳам танишишди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси матбуот хизмати маълумотларига кўра, амалга оширилаётган анъанавий «Мега-инфотур» лойиҳаси доирасида Ўзбекистонга хорижий сайёҳлик ташкилотлари ва чет эллик ОАВ вакилларининг ташрифлари уюштирилиб, ўлкамизнинг сайёҳлик салоҳияти ва имкониятлари билан таништириш режалаштирилмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

***Ўзбек Миллий академик драма театрида «Дебют – 2012» ёш режиссёрларнинг IV республика кўрик-фестивали доирасида режиссура санъатининг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.***

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

## МАҲОРАТ КЎРИГИ

Мустаҳкам оила йилига бағишлаб ўтказилган мазкур лойиҳада театр ижодкорлари, драматурглар, ёзувчи ва шоирлар, санъатшунослар, режиссёрлар, актёрлар, санъат йўналишидаги таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О.Ризаев, Ўзбекистон ёшлар театрининг бадиий раҳбари Н.Абдураҳмонов, адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди Ш.Ризаев, санъатшунослик фанлари доктори, профессор М.Тўлахўжаева ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий маданиятимиз ва санъатимиз ривожи йўлида кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик ва эътибор халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавияти, бадиий диди ва тафаккурининг юксалишига хизмат қилаётганини таъкидлади.

Бу жараёнда театр ижодкорларининг эркин ва самарали меҳнат қилиши учун зарур шароит яратиш, ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Сени куйлаймиз, замондош!», «Ҳумо», «Theatre.Uz», «Тошкент баҳори» сингари фестиваль ва кўрик-танловлар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Бир ҳафта давом этган «Дебют – 2012» ёш режиссёрларнинг IV республика кўрик-фестивали мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ижод қилаётган умидли режиссёрлар фаолиятини пухта ўрганиш, таҳлил этиш ва маҳоратини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Кўрик-фестиваль доирасида ёш режиссёрларнинг, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти талабаларининг ижод намуналари Тошкентдаги театр саҳналарида намойиш этилиб, мухлислар, танқидчилар, драматурглар, журналистлар томонидан атрофлича муҳокама этилди.

— Ушбу фестивалда «Майсаранинг иши» спектаклини намойиш этдик, – дейди Бухоро вилоят мусиқали драма театри режиссёри Аброр Ортиқов. – Анжуман бизга тенгдошларимиз ижоди билан яқиндан танишиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, устоз ижодкорларнинг маслаҳат ва ўгитларидан баҳраманд бўлиш имконини берди.

Конференция якунида «Дебют – 2012» ёш режиссёрларнинг IV республика кўрик-фестивали ғолиб ва совриндорлари аниқланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** пойтахтимиздаги International house Tashkent академик лицейида «Камолот» ЁИҲ ва бир қанча мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор» лойиҳалари юзасидан уч кунлик махсус ўқув семинари бошланди.

✓ **КЕЧА** Сергели тумани Маънавият ва маърифат Кенгашининг йиғилиши ўтказилди. Анжуманда «Тўй ва маросимлар, қадриятларимиз кўзгуси» ҳамда «Оила бардавом ҳаёт рамзи» мавзулари ҳақида сўз юритилди.

✓ **ЭРТАГА** Маънавият тарғибот маркази Чилонзор туман бўлими томонидан 7-туғруқ комплексида «Давлатимиз рамзлари муқаддас тимсоллар» мавзусида тадбир ўтказилади.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон Бизнес Форуми» лойиҳаси ҳамкорлигида «Назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси» мавзуида семинар ташкил этилди.**

● **Каттақўрғон шаҳридаги «Миёнқол Нон» шўъба корхонаси қошида 2 миллиард 600 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилиб, нон маҳсулотлари тайёрлаш линияси ишга туширилди. Бу ерда меҳнат қилаётган 12 нафар йигит-қиз томонидан кунига 900 килограмм ун қайта ишланиб, 7 турдаги нон маҳсулотлари савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда. Айтиш лозимки, шаҳарда жорий йилнинг биринчи ярмида 1188 та иш ўрни ташкил этилган бўлиб, аксарияти янги корхоналарни ишга тушириш ва мавжудларини модернизациялаштириш туфайли яратилгандир.**

● **Наманган шаҳар Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.**

● **Бойсун туманидаги «Файз Рамз» фермер хўжалиги қошида пишиқ ғишт, профиль эшик ва ромлар тайёрлаш цехи ишга туширилди. Лойиҳа қиймати 420 миллион сўмлик мазкур корхонада ойига 400-450 минг дона ғишт, замонавий технология асосида профиль эшик ва ромлар тайёрланиб, мижозларга етказиб берилмоқда. Эътиборлиси меҳнат жамоасининг асосий қисми коллеж битирувчиларидан иборатдир. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни ривожлантириш ҳисобига 1414 та иш ўрни ташкил этилди.**

### ЖАҲОНДА

● **АҚШ олимлари электрон капсула яратдилар. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг тарқатган маълумотларига кўра, мазкур капсулага иккита микрочип ва видеокамера ўрнатилган. Ушбу электрон таблетка беморнинг ҳолатига баҳо бериш, шунингдек, зарур вақтда дори ажратиш хусусиятига эга. Хабарларга қараганда, ҳажми тўрт юз квадрат микрометрга тенг бўлган митти капсуланинг ичига турли дорилар жойлаштирилган. У ҳам шифокор, ҳам дармон вазифасини ўтайди.**

● **Хитойда ҳавонинг ифлосланиши оқибатида юзага келадиган экологик муаммоларни бартараф этиш мақсадида давлат муассасаларига тегишли автомобиллар ҳаракати нисбатан камайтирилмоқда. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, автомобиль рақами тоқ сонда тугайдиган шахслар ҳафтанинг бир кунида, жуфт сонда тугайдиганлар ҳафтанинг бошқа кунида ўз автоуловларидан фойдаланмасликлари тўғрисида кўрсатма олганлар.**

● **Австрияда мастодонт (катта филсимон ҳайвон) суяги топилди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мастодонтнинг дандон тишларидан бири тўрт, иккинчиси уч метр бўлиб, оғирлиги уч-тўрт тоннагача етади. Экспертлар топилмадаги ДНКни текшириш орқали мастодонтларнинг нима сабабдан қирилиб кетганини аниқлаш имконига эга бўлганлар. Уларнинг айтишича, мастодонтлар мамонтлар сингари Шимолий Америкада ўн минг йил муқаддам, Европада эса тахминан икки миллион йил аввал яшаган.**

● **Германиялик олимлар узумни кўп миқдорда истеъмол қилиш артериал қон босимининг пасайишига ва юрак фаолиятининг яхшиланишига ёрдам беради, деб таъкидлашмоқда. Хабарларга қараганда, ушбу мева таркибидаги моддалар инсон организмидаги туз миқдорини камайтиради ҳамда миокард инфаркти касаллиги юзага келишининг олдини олади.**

